Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 5 АВГУСТ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 156 (13.219)

Баҳоси эркин нархда

"СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ" ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИСПАНИЯДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Испаниянинг Куэнка шаҳрида (Кастилия — Ла-Манча мухтор ҳамжамияти) -"Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирлар" мавзуига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг Мадриддаги элчихонаси томонидан Кастилия — Ла-Манча университети билан ўзаро ҳамкорликда ташкил қилинган ушбу тадбирда минтақанинг ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлил доиралари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда мазкур олий ўқув юртининг талаба ва ўқитувчилари қатнашди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 2016 йилнинг мамлакатимизда "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилингани хусусидаги маълумотларга алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидланганидек, бунга мувофиқ қабул қилинган Давлат дастури соғлиқни сақлаш жабҳасини такомиллаштириш бўйича изчил ҳамда узлуксиз ишларни амалга оширишга кўмаклашмоқда. Ушбу муҳим ҳужжатда оила, оналик ва болалик муҳофазаси, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника ҳамда кадрлар салоҳияти соҳаларига оид қонунчилик заминини мустаҳкамлаш вазифалари ҳам кўзда тутилгани айтиб ўтилди.

Учрашув якунлари бўйича тадбирнинг айрим қатнашчилари "Жаҳон" ахборот агентлиги учун берган интервьюлари чоғида мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатдаги устуворликлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Жумладан, **Кастилия — Ла-Манча мухтор ҳамжамияти вице-президенти Хосе Луиз Мартинес** ҳар йили республикамизда анъанавий равишда ижтимоий дастурларнинг қабул қилиниши ва ҳаётга татбиқ этилиши ўзига хос ноёб институт эканлигини айтди.

— Бугунги кунда ижтимоий соҳага, жумладан, таълим ҳамда тиббиётга катта эътибор қаратилиши муҳим аҳамиятга эгадир, — деди у. — Статистика маълумотлари кейинги йилларда мамлакатингизда оналар ва болалар ўлими кўрсаткичлари кескин пасайганини кўрсатмоқда. Бу ўсиб келаётган авлодга нисбатан давлатнинг чексиз ғамхўрлиги самарадорлигидан далолат беради. Мамлакатингизда 2016 йил "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилингани республиканинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига кўмаклашишига ишончим комил.

Кастилия — Ла-Манча университети проректори Фатима Гуадамильяс Гомес Ўзбекистон ҳукумати томонидан ёшларнинг баркамол равнақ топиши учун барча зарур шарт-шароит яратилгани катта эътиборга молик воқелик эканлигини таъкидлади.

— Тиббиёт ҳамда мактабгача тарбия муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болалик муҳофазаси соҳасидаги қонунчилик ҳамда меъёрий-ҳуқуқий заминни янада такомиллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар аёллар ва болалар саломатлиги масалалари республикада устувор аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади, — дея баёнот берди Ф. Гуадамильяс Гомес. — Бу эса кўпгина мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ўз навбатида, **Кастилия — Ла-Манча университети профессори Давид Лянос** қуйидаги фикрларни билдирди:

— Бугун бўлиб ўтган тадбир Ўзбекистонда таълим ҳамда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар билан яқиндан танишиш имкониятини яратди. Булар ҳар қандай мамлакатнинг тараққий топишидаги асосий йўналишлар сирасига киради. Университетимизда ўзбекистонлик бир неча талаба таҳсил олади. Биз уларнинг қиёфасида ҳам таълим тизимини такомиллаштириш ва ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш бўйича республикада ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирларнинг ижобий натижасини кўришимиз мумкин.

"Жаҳон" АА.
Мадрид

25 MUSTAQILLIK · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ O'ZBEKISTON

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Темур Мамадаминов (ЎзА) олган сурат

Ягонасан, муқаддас Ватан!

МУҚАДДАС ВАТАН МАДҲИ

Ўзбекистон давлат консерваториясида истиқлолимизнинг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги саралаш босқичи бўлиб ўтди.

Унда танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари ғолиблари иштирок этди.

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси ўринбосари, ижодий танлов ҳакамлар ҳайъати раиси Ҳ.Раҳимов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлодни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғоясига садоқат, ибратли анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида камол топтириш масаласи маънавий-маърифий ислоҳотларда устувор аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

2009 йилдан буён анъанавий ўтказилаётган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" танлови ёшларни Ватанга содиқлик, фидойилик, унинг тақдири учун масъулиятни астойдил ҳис этиш, миллатимиз ва буюк аждодларимизга муносиблик руҳида камол топтиришдек улуғвор мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

"Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилаётган бу йилги танлов истиқлолимизнинг моҳиятини, тинч ва осойишта, фаровон ҳаётимизнинг қадр-қимматини ёшларга мусиқа санъати воситасида етказиш имконини бераётир.

Ушбу ижодий лойиҳанинг Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги босқичи ҳам байрамона руҳда, юксак савияда ўтказилди. Қўшиқ байрамининг июнь-июль ойларида бўлиб ўтган дастлабки ҳудудий саралаш жараёнларида 3 минг 125 нафар яккахон хонанда ва 31 та бадиий жамоа ўз ижод намуналари билан иштирок этди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида муваффақиятли қатнашган 60 нафар яккахон иштирокчи, 3 та бадиий жамоа ва триогуруҳи кўрик-танловнинг вазирлик саралаш босқичида ўз мусиқий дастурини намойиш этиш имконига эга бўлди.

(Давоми 2-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг йиғилишлари бўлиб ўтди.

Депутатлар томонидан Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига биринчи ўқишда киритилган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги ва "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонунлар лойиҳалари муҳокама этилди.

Йиғилишда Президентимиз раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ демократик давлат қуриш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, фуқаролик жамияти барпо этиш, навқирон авлодни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказишга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди.

Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ижобий ўзгаришлар замирида ҳар томонлама соғлом, ақлан етук, ҳозирги даврда талаб катта бўлган замонавий касб-ҳунарларни эгаллаган, мустақил ва ижодий фикрлашга қодир, интеллектуал салоҳияти юксак ёш авлод тўғрисида ғамхўрлик қилиш асосий мақсадлардан бири экани табиийдир.

"Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ёшларга оид сиёсатни, яъни навқирон авлоднинг ривожланиши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, давлат ва жамиятни ривожлантиришда уларнинг интеллектуал, ижодий салоҳиятидан унумли фойдаланишни назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизимини белгилашга қаратилгандир.

Фракциялар йиғилишларида "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Мамлакатимиз Президенти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ички ишлар органларининг қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги фаолият шакли ва усулларини аниқлаштириш лозимлиги ҳақида алоҳида тўхталди. Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб, мутасадди идоралар томонидан экспертларни ҳамда кенг жамоатчилик вакилларини жалб этган ҳолда мазкур қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис муҳокамасига киритилди.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши – ички ишлар органлари вазифалари, улар фаолиятининг асосий йўналишлари, принциплари ва бошқа жиҳатларининг яхлит қонун ҳужжатида белгилаб берилиши мамлакатимизда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этади.

Сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи аъзолари қонунлар лойиҳаларини концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, биринчи ўқишда қабул қилишни маъқуллади.

Ш.МАМАТУРОПОВА,
ЎзА мухбири

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли туманида Президентимиз раҳнамолигида яратилаётган имконият ва қулайликлардан самарали фойдаланаётган корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури кўпаймоқда. Аҳолига парҳез гўшт етказиб беришни мақсад қилган тадбиркор Дўстназар Қўшимов яқинда "Plutos Lapin" масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилиб, беш нафар йигит-қизни доимий иш билан таъминлади. Бу ерда Италия ва Янги Зеландиядан келтирилган зотдор қуёнлар боқилмоқда.

● Тошкент вилояти ҳокимлигида салбий экологик оқибатларнинг олдини олишда давлат экологик экспертизасини ўтказиш самаралари мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда вилоят ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, экологлар, тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари иштирок этди.

● Жиззахда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш ҳамда қабул қилинаётган қарорлар учун масъулиятни оширишнинг долзарб масалалари мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Наманганда "Ёз – 2016" дастури доирасида қизлар ўртасида волейбол бўйича вилоят очиқ биринчилиги бўлиб ўтди. Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб вилоят ҳокимлиги, маданият ва спорт ишлари бошқармаси, Ўзбекистон волейбол федерацияси вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада Наманган, Сирдарё, Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Андижон, Фарғона вилоятларидан 17 жамоа қатнашди.

ЖАҲОНДА

● Калифорниянинг Беркли университети биолог олимлари инсоннинг саратон ўсимталарини ўсишдан тўхтатишнинг янги усулини ўйлаб топишди. Чунончи, олимлар хавфли ўсимталарнинг ўсишига ёрдам берувчи бир неча юзта хавфли оқсилнинг синтезини бошқарувчи молекулани аниқлашга эришишди. Уларнинг фаоллигини сўндириш йўли билан саратон хасталигининг ривожланишини кенг таъсирга эга тиббий воситаларсиз тўхтатиш имкони юзага келди.

● Америкалик 40 ёшли Люк Хоакинс исмли экстремал спортчи 7,6 минг метр баландликдан парашютсиз сакраган ҳолда ўзига хос рекорд ўрнатди. Хоакинс бунинг учун енгил самолётда Калифорния штати узра керакли баландликка кўтарилиб, сакраган ва унинг пастга тушиш тезлиги сониясига 53 метрга етган. Люк аниқ ҳисобкитоб орқали 20 қаватли бино баландлигига тенг устунга тортилган эластик тўрга тушиб, соғ-омон қолган.

● Альп тоғларида очиқ осмон остида девор ва томсиз меҳмонхона бунёд этилди. Денгиз сатҳидан 1,97 минг метр баландликда жойлашган дунёдаги дастлабки очиқ ҳаводаги меҳмонхонада эрта баҳордан то кечки кузгача жой олиш мумкин. Ушбу меҳмонхона тўрт томондан тоғлар билан ўралган бўлиб, меҳмонларга хизматчи сервиси, овқат ва ичимликлар таклиф қилинади.

Пойтахтимизда темирйўлчилар касб байрамига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти раҳбарияти, меҳнат фахрийлари, соҳа илғорлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР КАСБ БАЙРАМИНИ НИШОНЛАМОҚДА

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони О.Раматов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида темир йўл тизимини тубдан такомиллаштириш, темир йўлларни реконструкция қилиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ҳаракатланувчи таркибни модернизация қилиш, соҳага инновацион лойиҳаларни жорий этиш, тармоқнинг туризм салоҳиятини ошириш ва янги иш ўринлари ташкил қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилганини таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда юкларнинг 70, йўловчиларнинг 60 фоиздан ортиғи темир йўллар орқали ташилмоқда. Юқори тезликда ҳаракатланувчи "Afrosiyob" поездлари ҳаракати йўлга қўйилгандан бери 1 миллиондан зиёд йўловчи ушбу замонавий транспорт воситаси хизматидан фойдаланди.

Истиқлол йилларида минглаб километр янги темир йўл линиялари барпо этилди. Навоий – Учқудуқ – Нукус – Султон Увайстоғ ва Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон янги темир йўл магистралларининг ишга туширилиши шимолий ва жанубий ҳудудлар аҳолиси ҳаётида чуқур из қолдириб, ушбу минтақаларни мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан тўғридан-тўғри боғлади.

2016 йилнинг 22 июнь куни давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин иштирокида Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўлининг очилиши билан Ўзбекистонда ягона, мустақил миллий темир йўл транспорти коммуникация тизими тўла шаклланди.

Миқёси ва кўламига кўра жуда улкан ва мураккаб бўлган мазкур замонавий лойиҳа атиги 32 ой ичида, яъни белгиланган муддатдан аввал якунлангани мамлакатимиз темирйўлчиларининг юксак маҳорати ҳамда шижоатидан дарак беради.

Темирйўлчиларимиз томонидан Самарқанд – Бухоро участкасида юқори тезликда ҳаракатланадиган электр поездлари қатновини йўлга қўйиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган даврда узунлиги қарийб 250 километрлик йўлнинг 140,2 километрлик Мароқанд – Навоий участкаси янгидан қурилди. Навоийдан Бухорогача бўлган пўлат излар соатига 160 километр тезликдаги ҳаракатланишга мослаштирилди. Пиёдалар ўтиш йўлаги, йўл ўтказгич, кўприк ва станциялар сингари икки юз йигирмадан зиёд иншоот қурилди.

Самарқанд – Бухоро участкасининг электрлаштирилиши ва юқори тезликдаги йўловчи поездлар ҳаракатининг йўлга қўйилиши натижасида йўловчилар Тошкентдан Бухорогача бўлган 620 километрлик масофани 3 соату 30 дақиқада босиб ўтиш имкониятига эга бўлади.

Анжуманда темирйўлчиларнинг фидокорона меҳнати давлатимиз томонидан муносиб рағбатлантириб келинаётгани алоҳида таъкидланди.

Таниқли санъаткорлар ва ёш ижрочиларнинг концерти намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Зокиров сўзга чиқди.

Беҳзод БОЗОРОВ,
ЎзА мухбири

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРИМИЗНИНГ ЯНА БИР МУВАФФАҚИЯТИ

Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар навқирон авлодни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайдиган инсонлар этиб вояга етказишда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон ёшлари халқаро миқёсда ўтказилаётган турли нуфузли танловлар, фестивалларда, фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида муносиб иштирок этиб, биз аслида кимлигимиз, қандай буюк аждодларнинг ворислари эканимизни дунё аҳлига исбот этаётир. Шу йилнинг 23 июлидан 1 августига қадар Тбилиси шаҳрида кимё фани бўйича ўтказилган 48-Бутунжаҳон олимпиадасида ёшларимизнинг муваффақиятли иштироки бунинг ёрқин далилидир.

Мазкур интеллектуал беллашувда етмиш беш давлатдан уч юздан ортиқ ўқувчи қатнашди.

Олимпиадада Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейи ўқувчиси Сарвар Шоюнусов кумуш, Самарқанд давлат тиббиёт институти қошидаги 1-академик лицей ўқувчиси Жаҳонгир Фахриев ва Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицей ўқувчиси Чарос Омонова бронза медалларини қўлга киритди. Улар жорий йилнинг май ойида Россияда ўтказилган кимё фани бўйича 50-халқаро Менделеев олимпиадасида ҳам совриндорлар сафидан жой олган эди.

– Бугунги тараққиётга пойдевор бўлаётган тиббиёт, математика, астрономия каби соҳалар бешигини тебратган Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек сингари улуғ аждодларимизнинг анъаналарини давом эттиришдек бахтга мустақиллик туфайли эришдик, – дейди ЎзА мухбирига кимё фани бўйича ўтказилган 48-Бутунжаҳон олимпиадаси совриндори Сарвар Шоюнусов. – Тарихи буюк мамлакатнинг келажаги ҳам буюқдир, деган фикр қалбларимизда акс-садо бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг ёш авлод камолотига қаратаётган юксак эътибори, лицейимизда таълим олиш учун яратилган қулай шароит ва имкониятлар илм-фанга меҳримизни оширмоқда.

Сарвар каби иқтидорли ўқувчилар таълим олаётган Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейи ҳам мустақиллик йилларида тубдан янгиланди. Ўқув корпуслари, спорт иншоотлари ва бошқа зарур бинолар қурилиб, жаҳон стандартларига мос жиҳозланди. Замонавий мультимедия ва компьютер воситалари билан таъминланган кенг, шинам аудиториялар, лингофон ва лаборатория хоналари, бир миллион нусхага яқин китоб фондига эга замонавий ахборот-ресурс маркази ёшларнинг етук билим олиши, илм-фанда юксак марраларни забт этишида муҳим омил бўлмоқда.

Академик лицейда камолга етган ўқувчилар қимё фанидан турли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, сўнгги етти йилда бешта олтин, ўнта кумуш ва ўн олтита бронза медалга сазовор бўлди.

– Президентимиз томонидан ёш авлод учун яратилган улкан шароитлар фарзандларимизнинг орзуларига қанот бағишлаб, уларни янги-янги марралар сари руҳлантирмоқда, – дейди мазкур академик лицей директори Ортиқбой Эшонқулов. – Навқирон авлод камолоти йўлида кўрсатилаётган эътибор учун давлатимиз раҳбаридан ғоят миннатдормиз.

Дилшод КАРИМОВ

МУҚАДДАС ВАТАН МАДҲИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Улардан бири – Мадина Мамирова Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳридаги "Обод юрт" аҳоли маданият ва дам олиш маскани қошидаги "Шодлик" ашула ва рақс ансамбли хонандаси. Ҳозир Янгиердаги 10-умумтаълим мактабининг 9-синфида таълим олаётган Мадина 11 ёшидан мусиқа билан шуғуллана бошлаган.

– Танлов учун "Ўзбекистоним, сенга!" қўшиғини тайёрлаб келдим,– дейди М.Мамирова. – Бу қўшиқ биз – ёш авлоднинг жонажон Ватанимизга меҳр ва садоқатимиз, чексиз эҳтиромимиз, тинч ва осуда кунлар шукронаси, ёшлар камолоти йўлидаги ғамхўрлик учун миннатдорлик туйғуси билан йўғрилган. "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танлови шу табаррук диёрга бўлган ҳурматимиз, муҳаббатимизни мусиқа ёрдамида ифодалаш йўлидаги ижодий имкониятдир.

Иштирокчилар ижро этган асарларнинг мусиқаси, шеър матнининг савияси, ижро маҳорати, танлаган либослари ва саҳна маданиятига ҳакамлар ҳайъати томонидан алоҳида эътибор қаратилди.

Танлов якунига кўра, Женисбек Пиязов (Қорақалпоғистон Республикаси) "Қардошим" қўшиғи учун, Серижон Жонаҳмедов (Навоий вилояти) "Баркамол авлод" қўшиғи учун, "Наманган наволари" (Наманган вилояти) бадиий жамоаси "Ўзбекистон" қўшиғи учун биринчи ўринга муносиб топилди. Ғолиблар қўшиқ байрамининг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири



ЯНГИ МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Бугунги кунда мамлакатимизда таълим тизимига ахборот-коммуникация технологиялари кенг татбиқ этилиб, мавжуд олий таълим муассасалари барча техник воситалар билан таъминланган.

Таълим тизимини ривожлантиришда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, қолаверса интернетдан фойдаланиб дарсларни ташкил этиш таълим сифатини оширишда катта роль ўйнайди. Биринчидан, компьютер техникалари асосида ахборот-ресурсларини йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ҳамда электрон ва виртуал кутубхоналардан фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Иккинчидан, таълим тизимида ахборотни қайта ишлаш учун мультимедиали электрон ўқув адабиётлари, маърузалар, виртуал лаборатория ишлари ва ҳар хил анимацион ишларни яратишда махсус дастурий воситалардан унумли фойдаланилади.

ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида ҳам компьютерлаштирилган ахборот технологиялари таълим жараёнига кенг татбиқ этилмоқда. Олий мактабда компьютер синфи, курсантларнинг мустақил излашлари учун мўлжалланган интернет хонаси, мультимедия, компьютер ва турли техник воситалар ўрнатилган маъруза заллари, компьютерлаштирилган ўқ отиш тренажёри хонаси мавжуд. Олий мактабнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, таълимни сифат жиҳатдан юксалтиришга янада жиддий эътибор берилмоқда. Ҳозирги глобаллашув даврида ахборот ва коммуникация технологиялари турли фанларни ўқитиш, талабаларнинг билимини аниқлаш ва баҳолашда кенг қўлланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХОТМда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёни ва илмий-тадқиқот ишларини ташкил этишни амалга ошириш, компьютер ёрдамида моделлаштириш ва симуляция тизимларини қўллаган ҳолда бино-иншоотлардаги мураккаб ёнғинларни ўчириш усуллари бўйича компьютер ўқув машқларини ташкиллаштириш мақсадида "Махсус моделлаштириш ва симуляция маркази" барпо этилди.

Унинг очилиш маросимида Олий мактаб бошлиғи генерал-майор А.Қўлдошев сўзга чиқиб, марказ курсант ва тингловчиларнинг олган назарий билимларини янада мустаҳкамлаш, амалиётда қўллаш, кўникмаларини юксалтириш, портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ёнғинларнинг олдини олиш ва мураккаб ёнғинларни ўчириш усулларини мустақил ўрганиш, ёнғин хавфсизлиги соҳасига тааллуқли виртуал дастурларни ўрганиш, умумкасбий ва ихтисослик фанлардан виртуал лабораторияларни мустақил тарзда ўтказа олиш имкониятлари тўғрисида гапириб, бу ерда яратилган имкониятлар билан тадбир иштирокчиларини яқиндан таништирди.

Мазкур марказ Ички ишлар вазирлиги томонидан ажратилган компьютер жамланмалари, электрон доска ва бошқа ахборот коммуникацион технологиялар билан жиҳозланиб, электрон базаси ёнғин хавфсизлиги соҳасига тааллуқли виртуал дастурлар, кимё, физика, лаборатория машғулотлари билан жамланган.

Сўзга чиққанлар ушбу марказнинг ўқув жараёнини ривожлантиришдаги ўрни, курсант ва ходимларнинг касбий тайёргарлигини ошириш, ахборот коммуникацион технологияларни ўзлаштиришдаги аҳамияти, билим олиши учун барча имкониятлар борлигини мамнуният билан таъкидлаб ўтишди.

Хулоса ўрнида айтганда, Олий мактабда барпо этилган ушбу марказ замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг таълим жараёнларига жорий этилиши, тингловчи ва курсантларнинг касбий билимларини пухта эгаллашига, ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш орқали фан соҳасини чуқур ўзлаштиришига, ўқув фаолиятининг хилма-хил ташкил этилиши ҳисобига тингловчи ва курсантларнинг мустақил фикрлари кенгайишига, ахборот маданиятининг шаклланишига, лойиҳаларни компьютер техникаси воситасида тақдим этиш назарда тутилган.

З.ШАРИФЖОНОВ

МАҲАЛЛА ОБОД – ЮРТ ОБОД

Бугун биз тарихан қисқа бўлган мустақиллик йилларини ғурур ва ифтихор билан эслаймиз. Чунки, бугун мустабид тузум исканжасидан халос бўлиб, ким эдигу, ким бўлганимизни англаб, ўз қадр-қимматимиз, қадриятларимизни қайта тиклаб, иймон-эътиқодимизга суяниб, ягона халқ ва миллат бўлиб, тинч ва осойишта яшамоқдамиз.

Инсонлар қалбида аҳиллик, меҳр-саховат, оқибат каби эзгу хислатлар маҳалла аталмиш гўшада ривожланади. Бу каби инсоний хислатлар бор масканда эса дунёдаги энг улуғ неъмат — тинчлик-хотиржамлик ҳукм суради. Инсонлар бир-бирларига суянадилар, оғир-енгил кунларда қўллаб-қувватлайдилар.

Кейинги йилларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига қаратилган катта эътибордан кўзланган асл мақсад ана шу. Аҳоли билан янада яқинроқ ҳамкорликни йўлга қўйишда келажак эгалари бўлган ёшлар тарбиялашда мазкур тизимнинг ўзига хос ўрни бор.

Юртимизда амалга оширилаётган ўзгаришларни, бунёдкорлик ишларини кузатиб шукроналар айтамиз. Бугун маҳаллаларда қад ростлаётган замонавий уй-жойлар, уларга ёндош тарзда қурилаётган шинам маҳалла идорасию гузарлар барчамизнинг қалбимизда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади. Маҳаллаларда олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, янги маҳаллалар идоралари, спорт ва бошқа хизмат кўрсатиш объектларининг барпо этилиши аҳолининг фаровон турмуш кечиришига хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари томонидан маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган кенг қамровли вазифалар ижросини самарали таъминлашга услубий-амалий кўмаклашиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётир.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида "Маҳалла" фонди томонидан 43 та фуқаролар йиғинлари мебель жиҳозлари, 30 таси компьютер жамланмаси билан таъминланди. 21 та маҳалла фуқаролар йиғинининг биноси жорий таъмирланди, 19 та маҳалла идораси реконструкция қилинди. Фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги 34 та болалар майдончалари таъмирланди, 3 та замонавий болалар майдончалари эса намунавий лойиҳа асосида барпо этилди.

Айни пайтда 51 та фуқаролар йиғинининг биноси, шунингдек, маҳаллаларда 46 та гўзаллик салонларини мустақиллик байрами арафасида ишга тушириш бўйича кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Замонавий бинолар маҳалла кўркига кўрк қўшиш баробарида фуқаролар йиғини фаолиятини самарали ташкил этишда қатор қулайликлар яратгани билан ҳам аҳамиятлидир.

— Бирдамлик, аҳиллик ҳукмрон маҳаллада ободлик, бунёдкорлик ривожланади, — дейди Мирзо Улуғбек туманидаги "Алпомиш" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулчеҳра Лутфуллаева. — Эртанги кунининг фаровон бўлишини истаган инсон борки, ўзи яшаётган маҳалласининг шароити, турмушини яхшилашга уринади. Зеро, Ватан асли маҳалладан бошланади. Йиғинимиз учун замонавий типдаги янги йиғин биноси қурилиб, фойдаланишга топширилгани бизни янада сидқидилдан фаолият юритишга ундайди. Натижада раис, масъул котиб, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмаси раҳбари ҳамда профилактика нозири алоҳида хоналарда ишлаш имконига эга бўлишди. Мебель жиҳозлари, компьютер жамланмалари ҳамда зарур ўқув-услубий адабиётлар ҳам шулар жумласидан.

"Мустақиллигимизнинг 25 йиллик тўйига 25 та обод кўча" лойиҳаси доирасида маҳаллада ҳам кенг кўламли ишлар олиб бориляпти. Ҳудуддаги кўча, корхона-ташкилотлар ҳамда ҳар бир хонадон атрофини саранжом-саришта сақлашга, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Доимий равишда ҳашарлар ўтказилмоқда.

Маҳалла ҳудудида ташкил этилган катта боғ, болалар майдончаси аҳолининг обод ва озод Ватанда бахтли ҳаёт кечиришига ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бундай ўзгаришлар жонажон Ўзбекистонни янада обод, фаровон қилади, халқимизда эртанги кундан хотиржамлик кайфиятини шакллантиради.

Зиёда РАСУЛОВА

МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАР КЎРГАЗМАСИ

Пойтахтимиздаги "Чорсу" бозори ҳудудидаги Зарқайнар-1 кўргазмалар уйида "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" рукни остида Тошкент шаҳрида фаолият олиб борувчи маҳаллий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган янги турдаги миллий маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди.

Айтиш жоизки, бугун юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар мамлакатимизнинг барқарор суръатларда ривожланишига катта замин яратмоқда.

Кўргазмалар фойесида кичик бизнес субъектлари томонидан қўйилган турли маҳсулотлар намунасини кўриш мумкин эди. Кўргазмада иштирок этаётган тадбиркорларнинг айримларини суҳбатга тортамиз.

Кўргазмада туя жунидан кўрпа, адёл, белбоғ, адрас ишлаб чиқарувчи корхона, парфюмерия, тайёр тикувчилик ва бошқа маҳсулотлар ҳам намойиш этилди.

— Юз фоиз табиат неъматларидан маҳсулот ишлаб чиқарамиз, — дейди "Orion-Skorpion" МЧЖ корхона мутахассиси Нилуфар Қодирова. — Инсон соғлом бўлиши учун овқат ейиши керак, овқатимиз қанчалик табиий бўлса, саломатлик ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Масалан, "Mungoltin" деган маҳсулотимиз бор, оддий мошни ивитиб, сояда қуритилиб, кукун ҳолига келтирилади, таркибидаги оқсил моддалари организм учун жуда ҳам фойдали, куч-қувват беради. "Maysara" деган маҳсулотимиз бор, буғдойнинг 5-7 кунлик ўстирилган майсасидан тайёрланади, сояда қуритилиб, тозалангач, кукун ҳолига келтирилади. Бу маҳсулотимиз иммунитетни кўтариб, организмда қонни кўпайтириб беради. Корхонамиз иш фаолиятини бошлаганига 6 йил бўлди, айни пайтда 50 га яқин ишчилар меҳнат қилмоқда.

Бугунги кунда "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" рукни остида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат ички бозорда ўзининг сифати ва арзон нархи билан халқимизга манзур бўлмоқда, балки хорижий бозорларда ҳам ўз харидорларини топмоқда.

Шуниси эътиборга моликки, маҳаллий тадбиркорлик субъектлари томонидан сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш замон талабига жавоб берадиган асбоб-ускуналар ва технологияларни мунтазам равишда ўзлаштириб бориш, янги бошқарув ва ишлаб чиқариш услубларини жорий этиш эвазига эришилмоқда.

Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга эътибор қаратиб келмоқда. Бу каби кўргазмаларнинг ташкил этилиши уларга яна бир бор маҳсулотларининг ички бозорда ўз ўрнини топишида имконият ҳамдир.

Қ.ЗОКИРОВ

МУШОИРА КЕЧАСИ

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида "Юракдан куйлаймиз сени, Ватаним!" деб номланган мушоира кечаси бўлиб ўтди.



Темур Мамадаминов (ЎзА) олган суратлар



Пойтахтимизда "Ишбилармон аёл – 2016" кўрик-танловининг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

ШИЖОАТЛИ, ИЗЛАНУВЧАН, ТАДБИРКОР АЁЛЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Тадбирда шоир ва ёзувчилар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, хотин-қизлар қўмиталарининг аъзолари, педагоглар, талаба-ёшлар ҳамда "Ораста қизлар" тўгараклари аъзолари иштирок этди.

Бугунги кунда, Зулфия номидаги Давлат мукофотига адабиёт йўналишида сазовор бўлган қизлар 54 нафарни ташкил этади. Улар ўзларининг ёркин истеъдодини янада ривожлантириб, изланиб, интилиб, келажакка ишонч кўзи билан боқиб тенгдошларига намуна бўлиб келмоқдалар.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда, ёшларнинг китобга, миллий адабиётимизга бўлган қизиқиш ва меҳрини янада кучайтириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш, ёш ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга доир кўплаб лойиҳалар, танловлар, ижодий кечалар, маънавий-маърифий тадбирлар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Мушоира кечасида ёш шоираларнинг она Ватани, озодлиги, тинч ва осойишта бахтли ҳаётимизни тараннум этувчи, келажак авлод камолоти ва нурли истиқболи йўлидаги меҳр-муҳаббатга йўғрилган шеърларидан намуналар ўқилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Мазкур танлов Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ташкил этилди.

Кўрик-танловдан кўзланган асосий мақсад ҳам мамлакатимиз тараққиёти ва халқ фаровонлиги йўлида фаол иштирок этаётган шижоатли, изланувчан, тадбиркор ва фермер хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, ҳудудларда хотин-қизлар ўртасида оилавий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини рағбатлантириш, мамлакат иқтисодиётида хотин-қизлар иштирокидаги хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини ошириш, жамиятда хотин-қизлар тадбиркорлигини сифат жиҳатдан ривожлантиришдаги илғор тажрибаларни оммалаштиришдан иборат.

Тадбир доирасида тадбиркор, фермер аёллар ишлаб чиқараётган ва етиштираётган маҳсулотлар кўргазмаси ҳам намойиш этилди. Унда тадбиркор, ишбилармон, ҳунарманд, фермер хотин-қизлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, айниқса, миллий йўналишдаги либослар намойиши кўрик танлов иштирокчиларида миллий ғурур, Ватанга муҳаббат, мустақилликка бўлган шукроналик ҳиссини уйғотди. Ҳамкор ташкилотлар ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоларидан иборат бўлган ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг ишлари билан яқиндан танишиб, адолатли баҳолаб боришди.

— Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ эркин ва фаровон жамият қуриш йўлида хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидорларини рўёбга чиқариш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликка кенг жалб этиш ҳамда бандлигига кўмаклашиш масаласига давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда, — дейди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий Кенгаши ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мухлиса Акрамова. — Мазкур эътибор натижаси ўлароқ, мамлакат иқтисодиётининг таянч устунларидан бири бўлган мазкур йўналишларда ҳам масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр хотин-қизларимиз етишиб чиқди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ана шундай фидойи хотин-қизларнинг яратувчанлиги, бунёдкорлиги, меҳнатларини улуғлаш, маданий-маънавий ҳаётда, жамоат ишларидаги ўрни ва мавқеини юксалтиришни асосий вазифаларидан бири деб билади.

Жорий йилда илк маротаба ўтказилган мазкур лойиҳанинг туман, шаҳар ва вилоят босқичларида 10 минг нафарга яқин тадбиркор, ишбилармон ва фермер аёллар иштирок этди. Вилоят босқичида фаол иштирок этиб ғолибликни қўлга киритган 56 нафар тадбиркор ва фермер аёллар Республика босқичигача етиб келди.

Тадбирда иштирок этган соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари, айниқса, бунда хотин-қизлар иштирокини янада ошириш борасида қатор ишлар изчиллик билан амалга оширилди. Натижада мазкур соҳада фаолият юритаётган хотин-қизлар улуши 40 фоизга етди. Кичик бизнес субъектларига ўтган олти ой давомида 8,3 трлн. сўм кредитлар ажратилган бўлса, шундан аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 897,1 млрд. сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Ишбилармон аёлларнинг чинакам байрамига айланган мазкур тадбир давомида оналарни, Ватанни, истиқлолни мадҳ этувчи куй ва қўшиқлар садоси остида тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ҳакамлар томонидан ишбилармон аёл мақомига муносиб кўрилган иштирокчилар номи эълон қилиниб, ташкилотчиларнинг диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Натижаларга кўра 1-ўринни Бухоро вилоятидаги "Малишояк" фермер хўжалиги раҳбари Санам Жумаева, Хоразм вилоятидаги "Хоразм технологияси" хусусий корхонаси раҳбари Нигора Қўшжанова, Тошкент шаҳридаги "Торговое оборудование" МЧЖ раҳбари Рината Юсуповалар эгаллашди. Шунингдек, намойиш этилган лойиҳалар асосида юқори натижаларга эришган, хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантиришда ҳамда хотин-қизлар бандлигини таъминлашда ташаббус кўрсатган иштирокчилар "Замонавий тадбиркор аёл портрети", "Йилнинг мурувватли ишбилармон аёли", "Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантираётган фермер аёл", "Ташаббускор аёл" каби номинациялар бўйича ҳам тақдирландилар.

Зарина РУСТАМОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси боскичма-боскич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 7 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

Тошкент шаҳар Учтепа тумани СИБ томонидан хатланган Учтепа тумани, Чилонзор 23-мавзе, 49-уй ёнида жойлашган авто тураржойда сақланаётган, Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 13.03.2015 йилдаги № 10-1520/2128 - сонли ижро варақасига асосан хатланган: 1. 2014 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01295ТТЕ бўлган "ГБА СПГ ЗАЗ FORZA" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 46 373 911 сўм 2. 2014 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01296ТТЕ бўлган "ГБА СПГ ЗАЗ FORZA" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 46 373 911 сўм 3. 2014 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01297ТТЕ бўлган "ГБА СПГ ЗАЗ FORZA" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 46 373 911 сўм. 4. 2014 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01298ТТЕ бўлган "ГБА СПГ ЗАЗ FORZA" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 46 373 911 сўм. 5. 2014 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01299 ТТЕ бўлган "ГБА СПГ ЗАЗ FORZA" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 46 373 911 сўм. 6. 2014 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01301ТТЕ бўлган "ГБА СПГ ЗАЗ FORZA" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 46 373 911 сўм. 7. 2014 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01302ТТЕ бўлган "ГБА СПГ ЗАЗ FORZA" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 46 161 337 сўм. 8. 2014 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01303ТТЕ бўлган "ГБА СПГ ЗАЗ FORZA" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 46 373 911 сўм. 9. 2014 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01304ТТЕ бўлган "ГБА СПГ ЗАЗ FORZA" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 46 373 911 сўм. 10. 2014 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01305ТТЕ бўлган "ГБА СПГ ЗАЗ FORZA" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 46 373 911 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Auto Garant Business" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 9048 8730 5001, МФО: 01103, СТИР: 301 829 604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (371)233-61-44

Гувоҳнома 004593

"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!!!

